



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 8 » oktabr

№ 628

Toshkent sh.

### **Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги тизимидаги айрим ташкилотлар тузилмаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигини ташкил этиш тўғрисида” 2021 йил 15 июлдаги ПҚ–5185-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигини ташкил этиш тўғрисида” 2021 йил 15 июлдаги ПҚ–5185-сон қарорига мувофиқ:

а) Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) тизимида:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидаги Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси тизимидаги Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот маркази негизида **Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти ва унинг минтақавий филиаллари;**

“Агрокимё станцияси” МЧЖ ва унинг ҳудудий бўлинмалари негизида **Республика агрокимёвий таҳлил маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари;**

“Республика ўқув ишлаб чиқариш биолобораторияси” МЧЖ ва “Республика “Биосифат” марказий лабораторияси” МЧЖ негизида **“Биосифат” республика маркази ташкил этилганлиги;**

б) тугатилаётган “Ўзагрокимёҳимоя” АЖнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги **Чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизмати “Ўзагрокимёҳимоя” АЖнинг устав капиталидаги давлат улушини камайтириш ҳисобига Агентликка ўтказилганлиги;**

в) **Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти, Республика агрокимёвий таҳлил маркази ҳамда “Биосифат” республика маркази давлат муассасаси шаклидаги юридик шахслар ҳисобланиши;**

г) ушбу бандда назарда тутилган ташкилотлар фаолиятини молиялаштириш манбалари, шунингдек, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти ҳамда унинг минтақавий филиаллари ходимларига Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари кўлланилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

**Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти тузилмаси 1-иловага мувофиқ;**

**Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти минтақавий филиалларининг намунавий тузилмаси 1а-иловага мувофиқ;**

**Республика агрокимёвий таҳлил марказининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар агрокимёвий таҳлил марказларининг намунавий тузилмаси 2а-иловага мувофиқ;**

**“Биосифат” республика марказининг тузилмаси 3-иловага мувофиқ;**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизматларининг намунавий тузилмаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

3. Белгилансинки, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти ва унинг минтақавий филиалларида шартнома асосида Агентлик ходимларини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг масъул ходимларини ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ташкил этилади.

4. Агентлик икки ой муддатда мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган ўз тизимидаги ташкилотларнинг уставлари тасдиқланишини ва уларнинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот маркази ва унинг минтақавий филиаллари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 7 декабрдаги 771-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.


6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлигининг  
Ўсимликлар карантини ва химояси илмий-тадқиқот институти  
ТУЗИЛМАСИ



*Изоҳ.* Ходимларнинг умумий чекланган сони – 71 нафар, жумладан, илмий ходимлар – 48 нафар.

Бажариладиган илмий-тадқиқот ишларига илмий ходимлар шартнома асосида жалб этилади.

Илмий ёрдамчи, техник ва ёрдамчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ нормативлар асосида белгиланади.


\*) Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига молиялаштирилади.

**Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти минтақавий филиалларининг  
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**




*Изоҳ. Ходимларнинг умумий чекланган сони (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) – 7 нафар,  
Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ нормативлар асосида белгиланади.  
Илмий-техник лойиҳаларни бажариши учун шартнома асосида илмий ва техник ходимлар жалб қилиниши мумкин.*

### Республика агрокимёвий таҳлил марказининг ТУЗИЛМАСИ



**Изоҳ.** Ходимларнинг умумий чекланган сони (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) – 30 нафар.  
Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ нормативлар асосида белгиланади.

### Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар агрокимёвий таҳлил марказларининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ




**Изоҳ.** Ходимларнинг умумий чекланган сони – 16 нафар.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича жами ходимларнинг умумий чекланган сони – 208 нафар.

Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ нормативлар асосида белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “ 8 ” октябрдаги 628-сон қарорига  
3-илова

### “Биосифат” республика марказининг ТУЗИЛМАСИ




*Изоҳ. Ходимларнинг умумий чекланган сони – 17 нафар.*

*Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ нормативлар асосида белгиланади.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “ 8 ” октябрдаги 628-сон қарорига  
4-илова

## Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизматларининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



**Изоҳ.** Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича жами ходимларнинг умумий чекланган сони – **144 нафар.**

Тошкент вилояти Чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизмати зарур ҳолларда Тошкент шаҳрига ҳам хизмат кўрсатади.

\*) Мавсумий фаолият олиб борадиган ходимлар (ходимларнинг умумий чекланган сони бундан мустасно).

Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ нормативлар асосида белгиланади.

